

ХУКУМАТ СОАТИДА

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ: "ЧЕККА АҲОЛИ МАСКАНЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ОРТИҒИ БИЛАН ЗАХИРАЛАНГАН"



Қишда бориш қийин бўлган 250 дан ортиқ аҳоли масканида муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари етарли миқдорда захира қилинган.

Бу ҳақда Қишлоқ хўжалиги вазири **Азиз Боитов** Қонунчилик палатасидаги навбатдаги ҳукумат соатида айтди. Таъкидлаш жоизки, ҳукумат соатидаги мазкур эшитув Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган.

Вазир депутатларга қиш мавсумида аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва соҳада қулай агробизнес муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди. Унинг айтишича, масъул идоралар, хусусан, ушбу вазирлик, ҳокимликлар мавсумда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларни жамғариш бўйича зарур тайёргарлик кўрган. Жумладан, жорий қиш мавсуми учун 600 минг тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари захира қилинган, бу прогноз қилинганидан бирмунча кўпроқ.

O'zLiDeP матбуот хизмати



## ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТЛАРГА  
САРФЛАНИШНИНГ  
ОЛДИ ОЛИНАДИ

3

## Қўли очикнинг йўли очик

4



КИНО СЕВГИСИЗ  
ДУНЁ УЧУН  
КЎЗЁШ ТЎКАДИ

6



САЁҲАТНОМА

# ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИК...

- САМОЛЁТИМИЗ МУЗЛАБ ҚОЛДИ...
- КОЛУМБДА БОР АЛАМИМ МАНИМ!
- КОНСТИТУЦИЯСИ ЭНГ КАТТА МАМЛАКАТ
- ДЕҲЛИГА БОРИБ...

Ҳиндистон, ҳинд халқи ҳақида қанча бадий, илмий асарларни ўқиганмиз, ўйга толдиргувчи ва йиғлатгувчи киноларини кўрганмиз. Эртақлар мамлакатига ким ҳам бормоқни орзу қилмайди.

Бизнинг саёҳатимиз бу сеҳрли ўлкадаги энг қадимий Варанаси шаҳри шу йилнинг май ойида Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти(ШХТ)га аъзо давлатлар маданият вазирлари иштирокидаги XIX йиғилишда "ШХТ давлатларининг сайёҳлик ва маданий пойтахти" мақомига эга бўлгани муносабати билан уюштирилди.

9-13 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидида жойлашган Уттар Прадеш штатида қарашли Варанаси шаҳрида ШХТ мамлакатлари ёзувчиларининг халқаро анжуманида иштирок этиш учун тўрт ижодкор – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маждид, "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари бош муҳаррири Сирожиiddин Рауф, "Хуррият" мустақил газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақул ва камина йўлга чиқдик...

...Кун алмашадиган дақиқаларда халқаро аэропортга кириб бордик. Бизни қувонтиргани, мамлакат дарвозаси ҳисобланмиш жойдаги муҳит анча ўзгарибди. Аввало, кутиб олувчи ходимлар орасида бир замонлардагидек хўмрайган, тунд қиёфаларни деярли кўрмадик. "Хуш келибсиз!" деган самимий мулозиматларни айтса бўлар экан-ку!

Тошкентдан Деҳлига учадиган самолётга олинган электрон чиптамини қайд эттириб, кутиш залига кирдик. Рейсимиз ярим тунда. Вақт ўтказиш керак. Ижтимоий тармоқлардаги ҳар хил шов-шувли ва ғийбату тўхматга тўла хабар, оху нолалар одамни дарров бездиради. Ёнимизда муборак Умра зиёратига отланган юртдошларимиздан бир гуруҳи гурунглашпти: "Яқин-яқинларда ҳам Ҳаж зиёратини орзу қилиш тугул, навбатга ёздириш азоб эди-я. Ҳатто Умрага борганларнинг неча кунлаб тўй берганига гувоҳимиз. Бугун ҳам соғлиғи, ҳам моддий имкони етганлар икки кундаёқ ҳужжатларини расмийлаштириб учиб кетяпти. Отасига раҳмат шундай шароитларни яратиб берганларнинг..."

Нихоят самолётимиз жойидан кўзғалди. Икки-уч дақиқа юрмасиданоқ стоардесса қизнинг ўзбек ва инглиз тилларида айтилган хабарчаси эшитилди: "Хурматли йўловчилар, самолётимиз экипажи об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли учиб вақтимиз озгина кечиктирилгани учун сизлардан узр сўрайди. Жойларингизда қолишингизни сўраймиз".

Бирор манзилга отланаётган маҳалинг кўнглинг чин ҳамроҳингга айланса яхши-да. Йўлда келаётганимда икки кундан бери тинмаётган қор тушмагур сафаримизга ҳали ҳалақит бермаса гўргайди, деб кўювдим. Оббо, энди нима бўлади. Орадан кўп вақт ўтмади. Ҳар хил хаёллар оғушида турганимизда бирдан каттақон қансифат машина самолёт ёнгинасига келиб тўхтади-да, қанотларга қарата иссиқ сув пуркай бошлади. Бутунбошли баҳайбат учоқни обдон чўмилтиришди. Кейин билсак, шундай катта техниканинг қанот ва парраклари тақа-тақ музлаб қолган экан...

Давоми 3-саҳифада. ►►

XXI ASRNING 23-ЙИЛИДА  
ҲАМ "XXI asr" БИЛАН  
БИРГА БЎЛИНГ!

ОБУНА 2023

Обуна индекси - 406,  
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.


O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

## ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТЛАРГА  
САРФЛАНИШИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракциясининг навбатдаги йиғилишида мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Айниқса, "Давлат божини ундириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинган сабаб бўлди.



Жавлонбек ЭРҒАШЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Йиғилишда "Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокама қилиниши ҳам қизғин кечди.



Одинахон ОТАХОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Республикада тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш қонун билан тартибга солинмагани оқибатида кўплаб салбий ҳолатлар юзага келмоқда. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши орқали суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилишнинг қонуний асослари мустаҳкамланади. Ўз-ўзидан унумдорликни тиклаш ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажми ошади ҳамда тоза тупроқда сифатли ва хавфсиз маҳсулот етиштирилиб, экспорт географияси кенгайди.

Ҳозирги шароитда ушбу қонуннинг ниҳоятда муҳимлиги ҳамда унинг қабул қилиниши орқали тупроқнинг экологик ҳолати яхшиланган ҳолда яйлов ўсимликлари биохимик ҳисобига олиб, фракциядошларимиз билан биргаликда уни маъқулладик.

– Ушбу ҳужжат билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонуннинг қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва маъмурий судларга даъво ариза, ариза ва шикоятлар билан муносабат қилинганди, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари судларда кўриб чиқилаётган барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича давлат божидан озод қилиниши назарда тутиляпти.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида келгусида Жамғарма маблағларининг ортиқча харажатларга сарфланишининг олди олинади. Асосийси, бюджет тизимлари маблағларидан оқилона фойдаланилишига хизмат қилади. Шу боис фракциямиз аъзолари электротизимиз ва халқ манфаатларини ҳимоя қила оладиган, халқчил қонунларни қабул қилиш бугун гоят муҳимлигини айтиб, партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар беришди. Ахир қонун қабул қилиниши билан одамлар ҳаётида, жамиятда ҳам ўзгариш бўлиши керак-ку! Шу каби муҳокамадан сўнг қонун лойиҳасини маъқулладик.

Фракция йиғилишида партия электорати манфаатларига хизмат қилувчи "Мақтабгача таълим ташкилотлари тармоғи кенгайтирилиши ҳамда соҳада нодавлат сектор улушининг оширилиши муносабати билан "Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан маъқуллади.



Шажноза ХОЛМАХМАТОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Мақтабгача таълимни қўллаб-қувватлаш давлатимиз раҳбарининг муҳим ташаббуси ва ижтимоий сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири. Охириги олти йилда бу соҳада катта ўзгаришлар бўлди. Кичик ёшдаги болаларни боғчалар билан қамров даражаси бир неча баравар ошди. Бугунги кунда республикамизда 20 мингдан ортиқ оилавий ва хусусий боғчалар фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган нодавлат оилавий ва хусусий ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш партия дастуридаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу соҳада ҳам нодавлат тизими, хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиш йўлида.

Ҳужжатга кўра, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд қувватига қараб 50 нафаргача (амалдаги қонунда 25 нафар эди) болаларни тарбиялашга рухсат берилди.

Ишчанлик руҳида ўтган йиғилишда фракция ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
"XXI asr" мухбири

ЭЪТИРОФ

ДЕҲҚОННИНГ БИРИ  
ИККИ БЎЛГАНИ ШУ-ДА

Сўзим бошида таъкидлаш ўринлики, Ватанимиз мустақилликка эришгач, Денов туманидаги "Лочин" кўп тармоқли фермер хўжалигимиз Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб рўйхатдан ўтказилган. Мазкур хўжалик фаолиятига ниҳоят 32 йил тўлди. Дастлаб хўжаликда ғалла ва пахта етиштирилган бўлса, ҳозир берилган имконият ва эътибор натижасида кўп тармоқли йўналишга ўтиштирилди.

Илгари фермер хўжаликлари пахта ва ғаллага ихтисослаштирилган бўлса, бошқа экин турларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга рухсат берилмасди. Ҳозир эса бунинг мутлақо акси. Айни пайтда фермер хўжалигимизда пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари сабзавотлар ҳам етиштирилади. Яна чорвачилик йўлга қўйилган бўлиб, гўшт ва сут маҳсулотлари ҳам қайта ишланаяпти. Доимий

равишда 90 нафар, мавсумий билан қўшиб ҳисоблаганда 320 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Қувонарлиси, бугун фермерлар томорқа ер эгалари, деҳқон хўжаликлари билан ҳам биргаликда ишламоқда. Бу эса мева-сабзавот етиштириш ҳажмининг, ҳосилдорлигининг ошишига ва даромаднинг ортишига сабаб бўляпти. Қолаверса, экспортга кенг йўл очилгандан кейин деҳқонларимиз етиштирган маҳсулотини хорижга тўғридан-тўғри экспорт қилиб, даромад оляпти. Натижада деҳқонларимизнинг бири икки бўлиб, кўксига шамол тегди. Айниқса, сўнгги йилларда узумчилик, лимончилик ривожлантирилгани айтиш мумкин бўлди. Керак бўлса, кўчаларда ишқом қилиниб, узумдан мўл-кўл ҳосил олинапти. Интенсив боғлар яратилиши ҳам боғдорчиликда ўзига хос ўсиш, ўнганлиш ҳосил қилди. Ваҳоланки, буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қилинган ишлар, эътибор самараси ҳисобланади.

Айни дамда қиш ҳукмрон бўлган пайтда бозорларимиз расталарига бир назар ташласангиз, барча мева-сабзавот бор. Ана шу мўл-кўллини таъминлашга ҳисса қўшаётган барча деҳқонларимизни, фермерларимиз ва томорқа ер эгаларини, ер билан тиллашган меҳнатсевар халқимизни Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кўни билан табриклайман, ҳосилига барака тилайман!

Аҳмад НАРЗУЛЛАЕВ,  
Денов туманидаги "Лочин" фермер  
хўжалиги раиси,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ўз тараққиётининг ҳозирги даврида халқимизнинг бугунги ва эртасини белгилаб берувчи ислохотлар палласига кирди. Мамлакатимизда илгари суриллаётган, моҳиятан мутлақо янги вазифалар, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида акс этган эзгу мақсадлар, умидбахш интилишлар – шунга мос конституциявий-ҳуқуқий макон яратилишини зарурат қилиб қўймоқда. Шундай даврда халқимиз учун янги ҳаётини марраларни ўзида акс эттирган Конституцияни қабул қилиш ислохотларнинг тақдирини ҳал қилувчи муҳим вазифадир.

"Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови", "Конституция – фаровон турмуш ва тараққиёт асоси" каби мавзуларда давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиляпти.

Уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар фаол қатнашмоқда.

Барча тадбирларда Бош қомусимиз мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори, мукаммал дастуриламал бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланмоқда. Конституцияда белгиланган устувор ғояларни рўёбга чиқариш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари давлатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти, фуқаро-

Ҳаётимизнинг  
асосий мезони

Қолаверса, мамлакат Конституциясини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш О'зЛиДеР дастури ва унинг сиёсий платформасига ҳамроҳ.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлаётган барча ғов ва муаммоларни бартараф этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда эркин фаолият юритишни таъминлаш, партия фаоллари, олим ва мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда Ватанимиз тақдирини ҳамда келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида майдонга чиқатган бугунги ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашига ёрдам бериш, маҳалларда тадбиркорликни ривожлантиришга қўмақлаш борада мунтазам равишда партиявий тадбирлар ташкил этиб бориш О'зЛиДеРнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари бугунги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсирини кучайтириш, ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия ҳудудий кенгашлари томонидан Бош қомусимиз қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишлаб "Конституция – мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг кафолати", "Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз пойдевори",

ларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати, юртимизда бозор муносабатлари ҳамда хусусий мулк устуворлигига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилаётгани ҳаётини мисоллар орқали очиб берилмоқда.



Насимжон АЛИМОВ,  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши  
Ижроия қўмитаси  
Сиёсий таълим маркази раҳбари



# ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИК...

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Оллоҳнинг мўъжизалари олдида ҳайратга тушмоқдан ўзга чорамиз йўқ. Тошкентдан осмонга кўтарилган самолёт олис сирли замин сари йўлга чиқди. Сўхбатимиз мавзуси дастлаб болалгимизда кинотеатрлардаги урейкит бўлиб кўрганимиз ҳинд кинолари бўлди. Неча ўнлаб машҳур актёрлар номини туғилган болаларига қўйган оилалар каммиди?! Ёки ўзбек ва ҳинд киноижодкорлари ҳамкорлигида яратилган ва бутун дунё бўйлаб анишлаг даражасига кўтарилган ажойиб экран асарларини эсладик. Хуллас, Деҳлига борганимизча деяри ухлай олмадик. Икки халқ адабиётининг даргаларини ҳам хотирладик. Ҳинд заминда ўзидан катта тарихий мерос қолдирган улғу бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларини тилга олдик. Шунда кимдир Абдулла Ориповнинг машҳур шеърдаги ушбу сатрларни беихтиёр пичирлай кетди:

Кўз олдимдан кечар асрлар,  
Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.  
Сарсон ўтган неча насллар,  
Тополмасдан туғилган жойин.  
Америка – сеҳрли диёр,  
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,  
Денгиз ортин ёритди илк бор,  
Берунийнинг ақл машъали.  
Колумбда бор аламим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним!

Сездик, нимагадир шаъма қилинганини. Айтишларича, Колумб курғур Ҳиндистонни кашф этаман деб Америкага бориб қолган экан. Аслида эса бизнинг Беруний бобомиз дунёнинг нариги бир чеккасида шундай ўлкалар борлигини аллақачон тахмин қилган эди. “Қани, сўраб кўрамиз Ҳиндистонлик ижодкорлардан, қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижоди, асосийси, алломанинг “Ҳиндистон тарихи” асари борлигини билишармикан?” деди Сирожиддин Рауф.

Уша кун эртасигаёқ интернетдан ўқиганим ушбу сўзларни ёндафтаримга ёзиб қўйдим: “Х асрининг иккинчи ярмида ва XI асрининг биринчи ярмида Абу Райҳон Муҳаммад ал-Бе-



руний XI аср бошида Ҳиндистон бўйлаб сەъхат қилди. Бу сەъхат вақтида Беруний Ҳиндистоннинг қадимий адабий тили санскритни, ҳинд халқининг урф-одати, турмуши ва маданиятини ўрганди. “Тарих-ал-Ҳинд” – “Ҳиндистон тарихи” китобида Ҳинд халқининг тарихи, уша вақтдаги Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми, фани ва маданияти тўғрисида қимматли маълумотлар келтирган...”

Яна манбаларни варақлайман ва Ҳиндистон давлатига оид мана бундай ҳайратомуз мисоллар эсимда қолади:

“Ҳиндистон Республикаси – Жанубий Осиёдаги давлат. Худуди шимолдан жанубга 3 214 км, ғарбдан шарққа 2 933 км.га чўзилган. Шимолда Ҳималай тоғлари, ғарбда Арабистон денгизи, шарқда Бенгалия қўлтиги билан ўралган. Майдони 3,3 млн км<sup>2</sup>, пойтахти – Деҳли шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 28 штат ва 8 иттифоқ худудга бўлинади.

Ҳиндистон – дунёда энг кўпмиллатли мамлакатлардан бири. Мамлакатда турли тиллар-



да сўзлашувчи бир неча юз миллат, элат ва қабила яшайди. Уларнинг бошини қовуштирувчи, тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашини таъминлайдиган амалдаги конституция 1950 йил 26 январдан кучга кирган. У дунёдаги энг катта конституция бўлиб, преамбула (муқаддима) ва 491 та моддани ўз ичига олган 25 бўлимдан иборат. Фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг кафолатларига кенг ўрин ажратилган...

2014 йилдан бери Бош вазир сифатида ишлаётган Нарендра Моди ҳукуматининг Халқаро валюта жамғармаси жорий йил молиявий кўрсаткичлари бўйича Хитойдан камда 7,4 фоизга ўзиб кетишини тахмин қилётган энг катта эътирофидир...

Дунёдаги энг катта аэропортлардан бири Деҳлида деган маълумот тўғри экан. Бизнинг самолётимиз кўнган терминал бир бурчақда қолди. Асосий чиқиш йўлагига шошиламиз. Энг ёмони, бегона давлатда асосий мулоқот муомала воситаси инглиз тилида ҳеч биримиз эркин гаплаша олмаимиз. Хайриятки, элчихонамиз вакиллари кутиб олишга чиқишган

экан. Бир мамлакатдан иккинчи бир давлатга учиб борсангиз, албатта, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади. Айниқса, улар орасида виза жорий этилганлари бўлса, муаммо ҳар қадамда пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шу маънода аэропортдаги ҳинд масъулларнинг бошқа тилли меҳмонларга кўрсатаётган хизмати шахсан менга миннатга туюлди. Қардош ва қондош турк хизматчиларига ўхшаб гўзал лутф қилишлар йўқ, аксинча, ўзларини ўта жиддий тутишлари ва қарсиллатиб расмий ҳужжатни туйнукчага қўйишлари оғирроқ ботди. Балки табиатан шундайдир, дея ўзини оувтирдим...

Эрта тонг. Тасаввур қилясизми, 16 миллион аҳоли яшаётган Деҳлига қараб йўлга тушдик. Ҳайратланарлиси, одамларини қўяверинг, кўчадаги техникалар шумолининг уясидай тиним билмайди. Қизиги, ҳайдовчилар ўриндиғи ўнг тарафда, машиналар ҳаракатини чап томонда экан. Лекин ҳаракат шу даражада кўп бўлса-да, бизнинг Тошкентдагидек пала-партиш тирбандликлар йўқ. Яна бир, бизлар учун қутилмаган манзара, катта-кичик трассаю кўчаларда светофорлар жудаям кам. Ҳайдовчи маданияти деган энг муҳим қондага қатъий риоя этилиши ҳар қандай хунук ҳодисаларнинг олдини олар экан.

Биз асосий тадбир ўтказиладиган, қарийб яна минг чақирим наридаги Варанси шаҳрига шомдан кейинги рейсда учиб кетишимиз керак эди. Бир ёғи туни билан ухलोлмаганимиз. Бироз мизғиб олмасак бўлмади. “Қуш уйкуси”дан кейин бу улкан пойтахтни айлангани чиқдик. Қайда, икки соатлик вақтимиз у ёқдан бу ёққа қарагунча ўти-кетди. Бор-йўғи Президент саройи ва вазирликлар жойлашган мухташам майдонда суратга тушишга улгурдик. Бу жойлар қаттиқ қўриқланар экан. Ҳар қадамда савол-жавоб. “Ўзбекистонданмиз” десак, деяри ажабланишмади...

Давоми келгуси сонда.

Норқобил ЖАЛИЛОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Тошкент-Деҳли

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# БЕРУНИЙЛИК ФЕРМЕР ҚУВОНЧИ

Қишлоқ хўжалиги қўшимча имкониятларга бой соҳа. Ҳаётимиз фаровонлиги, қолаверса, бозорларимизнинг файзи кўп кейинги йилларда аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва уни бозор талабларига мослаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бозорларимиз, қолаверса, халқимиз дастурхони тўқин-сочинлиги йўлида туну кун меҳнат қилаётган деҳқон фермерлар нафақат ўз оиласи, балки иқтисодиётнинг ҳам муҳим таянчи ҳисобланади.

Берунийлик фермер Махсуд ака Примбетов ҳам фермерлик билан шуғулланиб келмоқда. “Махсет тоқа” боғдорчиликка асосланган кўп тармоқли фермер хўжалиги бўлиб, асосан асаларчилик, гулчилик, лимонария ва боғдорчиликка йўналтирилган.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари байрами кунини арафасида Халқ депутатлари Беруний туман кенгашидаги O‘zLiDeP депутати гуруҳи аъзоси Раҳима Юлдашева ушбу хонадонда бўлиб, фермернинг фаолияти билан яқиндан танишди.

– Ерни боқсанг, ер сени боқади, деганларидек, фермер хўжалигини орқасидан беш фарзандимни олий маълумотли, уйли-жойли қилдим, – дейди хўжалик раҳбари Махсуд ака Примбетов. – 14 нафар неварам бор. Ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратялмиш, шундан мамнунмиз. Ўзимиздан ортган маҳсулотларни бозорга чиқарамиз. Хўжалик қошида катта иссиқхоналар ҳам бор. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятдамыз.

Байрам муносабати билан Махсуд ака Примбетовга O‘zLiDePнинг эсдалик совғалари топширилди.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Юртимизда ҳукм сураётган совуқ об-ҳаво қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Зангиота туманининг Кенг кичик маҳалласи аҳолиси ҳам ноқулай об-ҳаво туфайли электр тармоғидаги мунтазам узил-шиллар ортидан келиб чиқаётган муаммолардан азият чекишаётганди.

# ЗАНГИОТАДАГИ 250 ТА ХОНАДОНДА ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИМИ ЭНДИ?

Халқ депутатлари Зангиота туман кенгашидаги партия депутати Илҳом Икрамов аҳолининг ҳақли эътирозлари баён этилган муносабатни тизимли ўрганиб чиқди. Уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг бевосита иштирокида масалани ижобий ҳал этиш чораларини кўрди. Натижада худуддаги 250 та хонадонга хизмат кўрсатувчи ТП-208 румули трансформатор қурилмасини алмаштириш ишлари олиб борилди.

Депутатнинг саъй-ҳаракати билан уйдаги чироқ ёнган аҳоли юрт дардига малҳам бўлаётган халқ вакилидан миннатдор. Одамларнинг мушкулени осон қилаётган ана шундай элпарвар депутатларимиз сафи кенгайверсин.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,  
O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

## НАВОЙ ВИЛОЯТИ

# ДЕПУТАТ КЎМАГИДА АҲОЛИГА 10 ТОННА КЎМИР ЕТКАЗИЛДИ

O‘zLiDeP депутатлари ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳ жойларга чиқиб, қиш мавсумини беталафот ўтказиб олиш, бу борада аҳоли хонадонларини иситиш тизими билан мунтазам таъминлаш мақсадида юзага келаётган муаммоларни ўрганипти. Аҳоли эҳтиёжлари учун кўмир, газ баллонлари етказиб беришда амалий кўмак кўрсатилмоқда.

19-Нодира сайлов округидан Халқ депутатлари Қармана туман кенгаши депутатлигига сайланган Ю.Муродов Янгиариқ маҳалласида жойлашган “Лола” узумчилик-боғдорчилик ширкатига аҳолининг қиш-ки мавсумга тайёргарлигини ўрганиш мақсадида фуқаролар билан учрашди. Мулоқотда аҳоли вакиллари хонадонларни иситиш учун кўмир билан таъминлаш борасида амалий ёрдам сўради.

Депутат муносабатни зудлик билан ижобий ҳал қилган ҳолда ушбу худудга 10 тонна кўмир етказиб берди. Аҳоли депутат саъй-ҳаракатидан мамнун.

Бундан ташқари, ушбу ширкат худуддаги симёғочларни янгилисига алмаштириб бўйича тегишли ташкилотга депутатлик сўрови юборилди.

O‘zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

## ТАДБИР



# ЁШЛАРДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФ БОР, ЭШИТАЙЛИК-ЧИ!

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар ва бизнес тузилмалари билан ишлаш бўлими ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтини ҳамкорлигида “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкори” мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

Унда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Сиёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Бобуржон Расулев, Халқ депутатлари Юнусобод тумани кенгаши депутати Абдумалик Тўлаганов, партия ходим-

лари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, иш билан таъминлаш жараёнларига қўмақлаштириш фоят муҳим вазифадир.

Тадбир давомида ёшларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазалари тингланди. Сиёсий жараёнларга қизиқиши банд йигит-қизлар партияга аъзо бўлиш таклифини билдиришди.

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Қўли ОЧИҚНИНГ Йўли ОЧИҚ

Қорақум қишлоғи кенгликлариде фермерлик фаолиятини олиб бораётган маҳаллий кенгаш депутати Намоз ака ушбу ҳикматнинг ҳосиласини амалда қўрганлардан бири

О'zLiDeP Муборак туман кенгаши раиси Панжи Жалилов ҳамроҳлигида "Навбахор" фермер хўжалиги раиси Намоз Бахроновни ишлаб йўлга тушди. Аввалдан тахмин қилганимиздек, уни яйловдан тоғдик. Элга танилган фермер сурувни оралаб, қўй-қўзиларни кўздан кечириб юрган экан. Суҳбатимиз дарров самимият ўзанига кўчди. Орада чорвачиликни ривожлантириш борасидаги муаммолар ҳам четда қолмади.



– Ёшлигимни эсламан. Отам раҳматли Равшан бобо умр бўйи чўпонлик ортидан оила боққанлар, – дейди Намоз ака. – Бу бизга, менга отамерос. Олти ёшимдаёқ яйловда отамга ёрдамчилик қилардим. Косонлик бўлса-да, лекани ҳаётимиз мана шу Қорақум қишлоғи кенгликлариде ўтапти.

Қўйчилик ниҳоятда машаққатли касб эканини Н.Бахроновдек англайдиганлар кам, назаримда. Чунки қўй-қўзи юриб, ризқини те-радиган жонивор. Ҳақиқий чўпон бутун умр бедор яшагга мажбур. Ҳали хўроқ ҳам катагида ётган сахармардонда қўйларни далага хай-дашнинг ўзи бўлмайди. Унинг ортидан юриш учун метиндай ирода ва сабот керак. Чўл-ларни кезиб, қўй боқиб юганимизда фақат итгина бизга содиқ ҳамроҳ, сурувчимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлади. Узоқ йил итимиз ўлиб қолганида отам кўп вақт сиқилаб юргани ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Бу жойлар қўмликлардан иборат сахро бўлган. Фақат баҳордагина одамлар қўйла-рини боқиш учун келишган. Сув сақлаш мақ-садида тикланган сардобалар чўпонларнинг жонига ора кирган. Баҳор серёғин келиб, Ху-дойим осмондан дурларини тўққанда чорва йили бўлади. Чўлларда 70 дан ортиқ турли гиёҳ ва ўт-ўланлар қўқариб чиқади. Улар ҳар қандай озуқадан-да кучли. Шундай йилларда қўй-қўзи икки баравар кўпаяди, улар орасида касаллик тарқалмайди. Қурғоқчилик келганда эса яйлов ишлаб сарсон-саргардон бўлмай. Қўй-қўзилар эса серўт жойлар томон таппи-наверди. Уларни қўлдан озуқа бериб боқиб натижага эришиш мушкул.

Гўштининг нархи ошиб кетди, деб ноли-гувчилар уни етиштириш нархи ҳам ошаётга-нини ўйлаб қўриши даркор. Чорвачилик би-лан шуғулланадиган фермер хўжаликларига концентрат ем, ёқилғи, минерал ўғитлар ёпиқ биржалар асосида сотилиши муаммони бироз

юмшатарди. Очиқ биржадан маҳсулот харид қилиш жуда қийин. Устамонлар кўп. Қачонки, сарф-харажатлар камайса, гўштининг нархи ту-шади. Ҳаммаси таннархга боғлиқ.

Намоз Бахронов ёшлиқдан чорвачиликка меҳр қўйиб, тармоқни ривожлантириш бора-сида катта тажриба орттганидан сўнг ота касбини улуглаш мақсадида 1992 йили "Нав-бахор" фермер хўжалигига асос солди. Ҳозир-ги кунда 661 гектар ери бор. 53 гектари сувли, қолгани яйловдан иборат. 70 сотиқ майдонда-ги боғ ҳосилга кирган. Фермер чорвачиликни 200 бош майда шохли мол билан бошлади. Эндиликда уларнинг сони 1026 тага етди. 10 бош от, 13 бош йирик шохли мол, 10 уя асалари бор. Қўйчиликни ривожлантириш мақсадида иккита йирик чорвачилик комплекси қурилиб, битта эски қўйхона капитал таъмирланди. Ҳў-жаликда 20 нафар қорақумлик ёшлар иш би-лан таъминланган.

– Президентимизнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносибати билан йўллаган табригида дунёда озиқ-овқат тақчиллиги то-бора ортиб, минтақамизда чўллашш жараё-ни кучайиб бораётгани боис қишлоқ хўжали-гини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сув таъминотини яхшилаш, сув хўжалиги инфра-структурасини модернизация қилиш бўйича йирик лоийҳалар амалиётга татбиқ этилиши алоҳида таъкидланганини эшитиб, биз чорвадор фе-

рларнинг ҳам мушкуллимиз осон бўлажаги-дан таъсирландим, – дейди Намоз ака. – Чун-ки озуқа етиштириладиган экин майдонларини каналдан насос ёрдамида суғорамиз. Ҳамма вақт сув бўлавермайди. Оқова сув таъмино-тини яхшилаш мақсадида 100–180 метр чуқур-ликдан артезиан кудуқлар орқали сув оламиз. Модомики, бизга электр энергияси тўловида-н озгина имтиёз берилса, яхши бўларди.

Кекас чўпонларнинг бир гапи бор. Қўй-нинг олдида ем ва хашак ортиб қолсаги-на, маҳсулдорлик ортади. Чорвадор чорвага қирқ йил қараса, чорванинг бир марта қара-гани етади. Яна бир гап. Дунёда ўнта барака бор, шундан тўққизтаси савдода, биттаси эса чорвага берилган дейишади. Эндиликда озуқа қимматлиги, яйловлар қисқариб бораётгани боис кўпчилик чорвачилик билан шуғуллан-май қўйди.

Бахроновлар хонадони тумандаги энг намунали оилалардан саналади. Уғиллари Бобур, Шохруҳ ва Маъруф унинг қантолари. Ҳар кўни кечки дастурхон атрофида янги-ян-ги режалар тузишади. Гўштин ва жўнини қай-та ишлаш корхонаси қуриш учун бизнес режа тайёр. Молиявий кўмак олингач, иш бошлаб юборилади. Яна 20 нафар ёшнинг бандлиги таъминланади. Оила бекаси Гулнора она узоқ йиллардан буён турмуш ўртоғи билан ёнма-ён меҳнат қилиб, уни юксак марралар сари даъ-ват этиб келмоқда.

Фермер қўли очикнинг йўли очик деган ҳалқона ҳикматга қатъий амал қилган ҳолда ҳар йили ҳамқишлоқларига йирик ва майда шохли моллар тарқатади. Ҳозирга қадар 80 бош чорва моли кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ноғиронларга берилган. Қорақум қишлоғидеги 6-мактабни ўз оталиғи-га олган. 10 нафар аълочи ва жамоатчи ўқу-чиларга стипендия таъсис этган. Мактабдаги спорт зали ва йўлакларни хўжалик ҳисобидан таъмирлаб берган. Билим маскани ҳовлисига юз тулга яқин мевали ва манзарали дарахт кў-чатлари ҳам фермер ҳисобидан экилди.

– Намоз Бахронов вилоятда қўйчиликни ривожлантириш борасидаги ишларга муносиб Ҳисса қўшиб келаётган билимдон чорвадор-лардан ҳисобланади, – дейди вилоят Фер-мер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати Игор Турсунов. – Унинг қоракўйчиликни ривожлан-тириш борасидаги тажрибасини тарғиб қил-ля-миз. Шундай чорвадорларнинг фидоийлиги боис қоракўл этти қўйлар боши асраб қолин-моқда. Бундан узтис йил олдин Муборакда 100 минг бошдан ортиқ қўй-қўзи бор эди. Ҳозир 40 минг бошга етмайди. Яйловларни кўпайти-риш, қурғоқчилик бўлган йилларда ҳам чорва бош сонини камайтирмаслик борасида дастур ишлаб чиқялғимиз. Чорва озуқаси, арпа, шрот, шулха йил сайин қимматлашмоқда. Чорва-чилик, паррандачилик ва балиқчиликни туб-дан такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, мутасадди идораларга юбордик. Бугун тармоқни ривожлантириш учун чорвачи-лик билан шуғулланадиган фермер хўжалик-лари, МЧЖ ва корхоналарга лимит асосида кафолатланган сув таъминотини йўлга қўйиш, банклардан 5–7 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилиши керак. Ҳар бир туманда камида 30 гектар ери бор ихтисослашган фермер хў-жалиги ташкил этган ҳолда юқори ҳосилдор-ликка эга озуқа экинлари уруғи етиштирилиб, фермер хўжаликларига арзон баҳоларда ет-казиб берилса, гўштининг нархи тушиши аниқ. Наслчилик ишларини Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти вилоят филиали инспекцияси ҳамкорлигида меъёрий қўллан-малар асосида ташкил этишни бошлаб юбордик. Мақсад – чорва маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш ва таннархини арзонлаштириш-дир.

Намоз Бахронов Халқ депутатлари Мубо-рак туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида партиявий фаолиятни кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонли-гини ошириш борасида янги-янги таклифлар-

ни ўртага ташламоқда. Сайловчилар билан тез-тез учрашиб, уларни қийнаётган муаммо-ларнинг мақбул ечимларини топишга ҳаракат қилади. Худуддаги "Темир дафтар"га киритил-ган оилаларнинг бандлиги таъминланиб, бар-часи оилавий тадбиркорликка йўналтирилди. Ҳоким ёрдамчиси, маҳалла раиси доимо у би-лан бирга. Хотин-қизларга тукув машинаси, инкубатор, контейнер дукон, иссиқхона қуриш учун кредит олиб берилди. Ёшларга қўйчилик билан шуғулланишлари учун маҳорат сабоқла-ри ўтмоқда. Камбағал оилаларнинг уйлари таъмирлаб берилди. – Йил сайин мамлакатимизда чўллашш жараёни кучаяётгани дала меҳнатчисини қий-наб қўйди, – дейди Намоз ака. – Озиқ-овқат тақчиллигининг олдини олиш учун қишлоқ одамларини қўллаб-қувватлаш мақсадида яқунланаётган йилда деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун 100 минг гектар ер ажра-тилгани, келаси йил ҳам шу анъана давом эт-тирилиши халқимиз дастурхонни тўқислигига хизмат қилади. Бу йил ўттиз кишига деҳқон хўжалиги учун 14 гектар ер олиб бердим. Ке-ласи йилда 40 нафарини ана шу йўсида банд-лигини таъминлаймиз. Қишлоқларни кезиб, "Яшил макон" умуммиллий лоийҳасини тарғиб қил-ля-миз. Ёнимдан кўчат сотиб олиб, одам-ларга совға қил-ля-миз. Улар дангас бўлиб қо-лишган. Дарахт қўқармайди, деб баҳона қил-ля-миз. 70 сотиқ майдонда мевали боғ ташкил этганман. Дарахтларни бари ҳосилга кирган. Одамларни қақчириб, шу боғни қўрсатдим, ме-васидан татиб қўришди. Бироз уйғонгандай бўлишди. Бизнинг худудлар чўл, қанча дарахт кўп экангиз, экология шунча тозаланади.

Қашқадарёда 146 нафар маҳаллий кен-гашлар депутати бор. Уларнинг айримла-ри партия тадбирларида мутлақо қатнаш-майди, сайловчилар билан учрашмайди. Ўз ташвишдан ортмаётган бундай депутатларга 25-Қорақум сайлов округиндан Муборак туман кенгаши депутати Намоз Бахроновнинг фа-олиятини ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Ҳў-жалигини гуллатиб қўйган тажрибали фермер, депутатликни ҳам қўйиллатпти. Сайловчилар ундан миннатдор. Бирор-бир муаммо пайдо бўлганда унинг олдида югуришади. Вилоят, ту-ман кенгашлари ташкил этаётган тадбирларда фаол қатнашади. Ташкилий-партиявий, го-явий-сиёсий ишларда фаоллиги учун О'zLiDeP вилоят ва туман кенгашларининг фахрий ёр-лиқлари билан тақдирланган.

Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI asr" мухбири

ИМКОНИЯТ

ЭНЕРГИЯНИ ИШЛАТИШ ЯХШИ, ТЕЖАШ-ЧИ?

Албатта, бу мавзу бугунги куннинг энг оғриқли муаммоси бўлиб тургани сир эмас. Таби-ийки, ҳукуратимиз бу борада тегишли чоралар-ни кўришга ҳаракат қилмоқда.

Эътиборлиси, аҳоли ўр-тасида электр энергиясига бўлган талаб кескин ортаётган бугунги даврда айниқас мубобил энергия манбаларидан унмulli фойдала-ниш бўйича қилинаётган қатор ишлар кўлами сезиларли нати-жаларни кайд этмоқда. Хусусан, "Иссиқлик электр станциялари" АЖ тизим корхоналариде ҳам энергия тежовчи технологиялар-ни жорий этиш жараёни бошиқ-ча-босқич амалга оширилапти.

Жумладан, "Талимаржон иссиқ-лик электр станцияси" акциядор-лик жамияти худудига ўрнатила-ётган 1038 кВт қувватдаги қуёш фотоэлектр станцияси ёрдамида йилга 1 млн 900 минг кВт соат электр энергияси ишлаб чиқари-лади ва 241 000 метр кубдан ор-тиқ шартли ёқилғи иқтисод қил-лишга эришилади.

Шу билангина чекланиб қол-масдан, айни кунларда станция-нинг ташқи ёритиш тизимига ҳар бирининг қуввати 400 Вт бўлган 65 дона ва яна 300 Вт қувватга эга 255 дона қуёш ёритиш ускуна-ларини ўрнатиш ишлари ниҳоясига етди. Эндиликда улар ёрдамида йилга 361820 кВт соат электр энергияси ҳамда 7.6 тонна шарт-ли ёқилғи тежалади. Шунингдек, станциянинг ич-



ки ёритиш тизимига ўрнатилган ҳаракат датчиклари ёрдамида ҳам электр энергияси иқтисод қилинапти. Инсон ҳаракати ва қараб фаоллашадиган ушбу уску-налар ёритиш тизимини зарур бўлган ҳолатдагина ишга туши-ради ва ёнидан узоқлашингиз билан яна ўчади. Мазкур жара-ён эса энергия самарадорлигини оширишга муносиб хизмат қила-

ди. Йил охирига қадар эса улар-дан 361 дона ўрнатилиши режа қилинган бўлиб, улар ёрдамида йилга тежаладиган электр миқ-дори 94140 кВт саотни, шартли ёқилғи эса 9974 метр кубни таш-кил этади.

Элёр ДАРХОНОВ, "Талимаржон ИЭС" АЖ матбуот хизмати раҳбари

ТЕКИНҲЎР ҚОЖАТБАРОР

Молиявий кўмаксиз тад-биркорликни ривожлантириш мушкул. Шунинг учун ҳам тижорат банкларига бўлаёт-ган мурожаатларнинг асосий қисми кредит масаласидир. Ўз навбатида, ишбилармон-ларнинг бу борада муаммога дуч келишяётгани ҳам бор гап.

У ёғини сўрасангиз, фарғоналик тад-биркор – "Diyas vodi market" масъули-яти чекланган жамияти раҳбари Равшан Фахритдинов кредит олишда муаммога эмас, фибрибгарга дуч келиди. Гап шундаки, Р. Фахритдинов тилкув цехи ташкил этиш мақсадида шу йилнинг январь ойда акция-дорлик тижорат "Агробанк"нинг Учқўприк филиалига 3 миллиард 100 миллион сўм кредит сўраб мурожаат қилади. Ариза би-лан бирга жамиятга тааллуқли ва кредит ажратилиши учун талаб қилинадиган барча ҳужжатларни тақдим этади. Бироқ ҳадеган-да сўралган маблаг ажратилмайди.

Айни масалада банкка борган кун-нинг бирида Равшанжон Данғара туманида яшовчи Дилафрўз Ғуломқулова (исм-фами-лиялар ўзгартirilган) билан танишиб қо-лади. Узаро суҳбат асосида у сўраган кре-дитини ололмаётганидан нолиғди.

– Бу иш ўз-ўзидан битмайди-да, – дейди Дилафрўз унинг гапини эшитиб, – Банкдагиларнинг "хизмат ҳақи"ни бер-масангиз, кредит ололмайси. Ахир сиз миллион эмас, миллиард сўраясиғиз!

Аёл шундай деб сармоя теэрқо ажра-тилиши учун у банк ходимларига 5 000 АҚШ долларни бериши кераклигини айта-ди. Шу боис тадбиркор 2022 йилнинг фев-раль ойда унга 2000 АҚШ доллари бера-

ди. Лекин орадан 5 ой вақт ўтса ҳам, иш силжимайди. Д. Ғуломқулова эса қолган 3 000 АҚШ долларини ҳам "узатиши" лозим-лигини билдиради. Бинобарин, Равшанжон бу хусусда акиси Рустам Фахритдинов би-лан маслаҳатлашади. Шунда Рустамжон укасидан Дилафрўз билан учраштириши-ни сўрайди. У билан учрашар экан, Д. Ғу-ломқулова аввал олган 2 000 АҚШ долла-рини банк филиали бошқарувчиси, кредит бўлим бошлиғи ва ички назорат бўлими бошлиғи Музаффар исмли шахсга бергани-ни айтади. Қолган "узатма"ни ҳам Музаф-фар сўраётганини маълум қилади.

"Қожаатбарор" аёлининг гап-сўзлари Рустамжонда шубҳа уйғотади. Шу сабабли у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага муро-жаат қилади. Оқибатда Дилафрўз 2022 йил 11 август кўни Р. Фахритдиновнинг Ўзе-бекистон тумани Умрбоқий кўчасидаги яшаш хонадониде ундан 3 000 АҚШ долларини олган вақтида ушланади. Д. Ғуломқуловага нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди эса уни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди.

Афсуски, сўнгги пайларда содир бўлаётган фибрибгарлик жиноятларининг кўпгина қисми аёллар ҳиссасига тўғри кел-ля-ётгани хавотир уйғотади кишида. Ай-ниқас, ҳеч қаерда ишламайдиган, моддий жиҳатдан муҳтож опа-сингиларимиз қўл уришмоқда бу иллатга. Демак, хотин-қиз-лар кўмитаси масъуллари аёллар бандли-гини таъминлашга жиддий эътибор қар-атишлари лозим. Эеро, бирор-бир фойдали меҳнат билан банд бўлган шаҳс жиноят кў-часига қадам босмайди.

Нодиржон КИМСАНОВ, Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси

ҲУШЁРЛИК

Юртимизда совуқ кунлар ҳам бошланди. Об-ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши, ўз навбатида, ёнғин хавф-сизлиги қоидаларига ҳар доимгидан-де эътибор-лиқ бўлиши, ҳушёр-лики талаб этади. Ҳар йили республикамизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу йил 15 ноябрдан 15 декабрга-ча ўтказилаётган "Ёнғин хавфсизлиги оийлиги" ҳам юқоридеги фикрлари-мизга исбот бўла олади.

Мазкур оийликда фаол ишти-рок этиш мақсадида Яқкасарой

ЎТ БИЛАН УЙНАШМАНГ!



тумани ФВБ ходимлари ҳам ту-ман худудиде тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирган тарзда

олиб бормоқда. Корхоналар, муассаса ва ташкилотлар объектларини, шу-

нингдек, уй-жой фондининг ёнғин хавфсизлиги талабларини муво-фиқ ҳолга келтириш борасида ан-чагина амалий ишлар давом эта-ётир. Маҳаллалар, ўқув юртлари, мактаб ва боғчалар ҳамда одам-лар гавжум жойларда ёнғиннинг мудҳиш оқибатлари ҳақида суҳ-батлар, учрашувлар ташкил этил-моқда.

Фуқаролар ҳар қадамда ёнғин – ёв эканини, унга дучор бўлмаслик учун барчамиз бирдек масъул эканимизни унутмаслиғи зарур.

Сирожиддин ТУРДИЕВ, Яқкасарой тумани ФВБ ён ва ПБ инспектори, катта лейтенант

ОГОҲЛИК

ЭЪЛОН "SMART FOOD LINE" МЧЖ устав капитали 531 297 284 сўмдан 221 000 000 сўмгача камайтирилганини эълон қилади.



# КИНО

**МОДОМИКИ ФИЛЬМ ИНСОНГА БАҒИШЛОВ ЭКАН, СИЗ УНИ ҚУРШАБ ТУРГАН МУҲИТНИ ЧЕТЛАБ ҮТИБ, У ЯШАЁТГАН ЖАМИЯТДАН КЎЗ ЮМИБ КЕТОЛМАЙСИЗ. КИНОИЖОДКОР ҚАҲРАМОННИНГ ТАҚДИРИ ОРҚАЛИ ЗАМОНГА МУНОСАБАТИНИ, ХУЛОСАЛАРИНИ, КЕЗИ КЕЛСА, ФАРЕДИНИ ИФОДАЛАЙДИ. ИҚБОЛ ҚЎШШАЕВА “ЖАҲОН АДАБИЁТИ” ЖУРНАЛИНИНГ 2022 ЙИЛ 9-СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН “ПАРАЛЛЕЛ КИНО: ҲАЁТ ВА ҲАҚИҚАТ” МАҚОЛАСИДА КИНОСАНАТИНИНГ ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ АКС ЭТТИРИШДАГИ ВАЗИФАСИ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОҒРИҚЛАР ФИЛЬМЛАРДА ҚАНДАЙ ТАЛҚИН ЭТИЛГАНИ ҲАҚИДА ФИҚР ЮРИТАДИ. МАТЕРИАЛДАН АЙРИМ ИҚТИБОСЛАРНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.**

# СЕВГИСИЗ ДУНЁ УЧУН КЎЗЁШ ТЎКАДИ

\*\*\*  
Уруш нима ўзи? Уруш – сиёсий ҳирслар маҳсули, инсон қадрини, умрини сариқ чақага олмайдиган қорни тўқ амбиянинг кутқусидир. Бунда ҳеч бир нарса ўз номи билан айтилмайди. Босқинчилик “халоскорлик” номи билан, жиноят “маданият тарғиботи” даъвоси билан, фашизм “миллат манфаати” васвасаси билан қон тўқкан ва тўқяпти. Курол ерга қўйилди дегани ҳаммаси тугади, дегани эмас. Ҳақиқий қулфат урушдан кейинги урушда бошланади. Ҳарбий жиноятлар вужудга келтирган қашшоқлик одамлардаги энг керакли ҳиссиётларни ва ҳаловатни тортиб олади.

\*\*\*  
Инсон драмаси орқали ижтимоий-сиёсий муаммоларни дадил кўтарган параллел кино, ҳашам ҳаётдан холи ҳаққоний фильмлар айнан Жаҳоҳарлар Неру ва Индира Гандининг хайрихоҳлиги, яъники ҳукуматнинг рағбати билан ривожланди!

Жаҳоҳарлар Неру жилоси бисёр кўхнур олмоси экан. Ҳозир мен ўша олмоснинг фақат биттагина жилосига тўхталмоқчиман. 1955 йили номи ҳали достон бўлмаган Сатьажит Рей исми режиссёрнинг “Йўл кўшиғи” фильми катта экранга чиқади. Италиян неореализми таъсирида олинган мазкур картинада қашшоқликнинг қақшатиқ зарбасини еб келаётган миллатнинг турмуш тарзи тасвирланган. Муҳтожликнинг бошланиши ИНСОҒНИНГ интиҳоси, деган ғоя шафқатсиз реализм билан, ҳаётий воқеаларнинг яланғоч манзараси орқали очиб берилди. Ғурбатли ҳаёт ва ғарибдан ғариб одамлар акс этган картинани Неру жаноблари халқро Канн кинофестивалига тавсия қилиб турса, денг. Сиёсий хушёрлигим кўзиб, ўзимга савол бераман, наҳотки у мустақил Ҳиндистоннинг халқро майдондаги имижини ўйламади?

Кўҳна ҳинд тарихининг туб-тубига етган, хинд маданиятининг қадимий илдилариғача идрок этган мутафаккирга бунақа маҳдудлик, шарафсиз ожизлик ярашмас эди. “Жаҳон тарихига бир назар” ва “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” каби асарларни ёзган одам учун фақат бурмининг тағидини кўриб туриш хос эмас. Ясама ифтихордан, рўё кўнимкалардан озод одам. Чунки унинг бир кўзи ўтмишда бўлса, иккинчи кўзи келажакка қаратилган. Йўқ нарса билан бир кўрсатиш билан мамлакат бир қадам ҳам олдинга силжимади. Афсуски, халқ, халқдан ҳам олдин зийлилар ва сиёсатчилар бу риёкорликни тез ўзлаштирди...

Раж Капурнинг ижтимоий руҳдаги фильмлари ҳам айнан Жаҳоҳарлар Неру даврида суратга олинган. Дунёнинг қай бурчагида бўлмасин, бошига қандай синовлар тушмасин, қамоқхонанинг тўрт девори орасида ҳам Ватанини юрагида кўтариб юрган Неру танқидий руҳдаги асарларнинг муаллифларидан мухлифат ясамади, аксинча, Она Ҳиндистоннинг жароҳатларига малҳам бўлувчи ҳаммаслақни, ўзига дардкашни кўрди!

Донишманд раҳнаманинг биргина оқилона қадами – энди пайдо бўлаётган параллел кинопанора тараққиётига туртки бўлиб, хинд муаллифлик киноси учун дунё эшиklarини очиб беради... Замоनावий хинд тафаккурини жаҳонга кўрсатишда киносанъати қўлай ва таъсирли востата эканини Бош вазир қилиб эди.

\*\*\*  
Андрей Звягинцев ростгўй режиссёр, нафақат Россия, бугунги маънавий таназзулнинг экран тафтишчисидир. Унинг, айниқса, “Елена”, “Левиафан” ва “Муҳаббатсиз” фильмлари тузалмас, мажруҳ жамият қаршисига қўйилган шафқатсиз кўзгудир. Рус режиссёри “Алаҳсираган “давлат буюртмаси” мақоласида жуда жиддий мавзунга кўтарди: “Ижтимоий буюртмалар ижодкорни бичиб ташлаб, яроқсиз қилиб қўяди. Бу мардикорликни бўйнига олган кимса ижодий фикрлаш қобилиятини бой беради, бюрократлар туппа-тузук ижодкорни даққи дид, қўпол хунармандага айлантиради. Йўқ, санъаткор давлатнинг дастури бўлишга мажбур эмас, аксинча, ҳукумат у билан ҳисоблашиши шарт. Ҳокимият аслида даҳо учун масъул, ҳар бир истеъдодни халқнинг бойлиги деб билиб, эркин ижод қилмоғи учун шароит яратиб бериш уларнинг бурчидир. Чунки фикран эркин ижодкорнинг асарлари туфайли миллат ўзини танийди, улғаяди, камолот йўллариини излай бошлайди”. Звягинцев бу мақолада сиёсат санъатга халал бермаслиги кераклигини, ўзининг арзон, жўн ташвиқотини тиқштириб ижодкорни йўлдан урмаслигини, давлат кинога ажратаётган пул аслида меҳнаткаш халқнинг, солиқ тўловчиларнинг ҳақи эканини уринли тавқидлаган. Халқнинг пешона тери омонат ғояларга исроф бўлмаслигини куюнчаклик билан ёзади.

Ижодкор – давр фарзанди, ижод – безовта идрокнинг, уйғоқ қалбнинг меваси. У жамиятнинг жароҳатларини кўрмаслиги, юрагидан ўтказмаслиги мумкин эмас. Бир қараганда кўнгилочар комедия бўлиб кўринган Леонид Гайдай, Георгий Данелия, Эльдар Рязанов, Эльдар Шенгелая ва Зулфиқор Мусоқов фильмларининг тағ замирида ҳам ижтимоий қатламлар бисёр. Масалан, Данелиянинг “Кузги марафон” фильми қаҳрамони Андрей Бузикин – ўзини увол қилаётган, майдаланиб кетаётган совет зийлисининг образи. У яхши педагог, яхши филолог, профессор таржимон. Лекин ШАҲС бўлломаяпти. Чунки у муросагўй, “йўқ” дейишни билмайди. Шунинг учун шахсий ҳаёти ҳам, ижтимоий ҳаёти ҳам аросат. Ўзлиги ўзгаларга, майда-чуйда нарсаларга совуриланган. Бу каби ҳалим зийлиларни жамият қаҳраонининг ўзи айтганидек “пол артишгача” олиб боради. Ва шундан манфаатдор! Галина Волчекнинг қаҳрамони худбин ва думбул таржимон – истеъдодидан омади баланд сурбет тоифанинг тимсоли. Бу жамиятга ўз истаги, ўз дунёси бор қатъиятли кўнгил одамидан кўра ҳаммага намуна қилиб кўрсата бўладиган совет граждани керак. Намунали ота, намунали эр, намунали ходим, намунали дўст, намунали ҳамкасб, намунали кўшн! Рязановнинг “Тақдир ҳазили ёхуд кушдек енгил бўлинг” фильмида ҳам одамларни ўзига хослик қиёфасида эмас, ёппасига “намуналилик” қолипда кўришни хоҳлаган, лекин бунинг уддасидан чиқа олманган совет давлатига нисбатан истеъзо бор.

\*\*\*  
Хўп, тарихий фильм ишлашдан максад нима? Тарихдан туриб бугунга қўл-қўч қилишимиз? Бугун музей бисотиға айланган тарихий фильмларимиз бу йўл

хато эканини исботлади. Қизғини, ўша фильмлар тахрирга учраган тарих ва совет мафқурасининг лофлари ҳақидаги манбага айланди.

“Нодирабегим” фильмида қатл ёқасидаги шоиранинг видео сўзини эшитамиз: “...Минг афсуски, элчим ўшал маърифатларвар рус тупроғин сарҳадиға менинг номини улгурмади етказишға. Гар рўёбға чиққандами эзгу ниятлар, фароғатда яшар эдик. Авом халқим абадул абад, ғазалларим қуйлаб шодон, ана унда мени эмас, беномусларни қатл этишарди”. “Утган кунлар” фильмининг якунини эсланг: “...умумхалқнинг асрий орзуси – ёруғ кунлар яқинлашмоқда эди. Азиз замондошим, сен юз йил муқаддам ўтган кунларга назар ташладинг. Утмишни ёд этиш шу кунлардаги гулгун ҳаётнинг ва нурафшон истиқболнинг қадрига янада чуқурроқ етмоғинг учун зарур деб лозим топдик”.

Бугунги “гулгун ҳаёт”га қуллук қилиш баҳонасида фильм олинган гўё. Йўқ, мен фильм ижодкорларининг, кимсан Комил Ғараматов Йўлдўзо Аъзамовдек режиссёрлар меҳнатини камситмоқчи эмасман. Бунга маънавий ҳаққим ҳам йўқ. Ваҳоланки, мазкур иккала картина совет даврида ишланган тарихий фильмларимиз орасидан энг муваффақиятлиларидан. Фақат бу йўл босиб ўтилди. Ва ўзини оқламади.

\*\*\*  
Юсуф Розиковнинг “Ўртоқ Бойкенжаев” фильмида сиёсий характер қабаиб туради. “Воиз” фильмининг қаҳрамони билан “Ўртоқ Бойкенжаев” қаҳрамони ўртасида умумийликни, тадрихий боғланишни кўриш мумкин... Хат-саводли Искандар аравакаш бора-бора бўйинбоғ таққан дастёр Бойкенжаевга айланади. Янги ҳукумат билан мурося йўлини тутган “Воиз”нинг қаҳрамони – “маслак” юриб-юриб кулликка, мутеликка етиб келди. Омгани оғзиға қаратган воизнинг издоши “Ўртоқ Бойкенжаев” фильмида арзимас винтчага айланади. Иккиси ҳам ижтимоий ижобий қаҳрамон. Давлат учун хаф туғдирадиган бузғунчи эмас. Иккисининг-да қўлисида аёлга, муҳаббатга жой бор. Фильмда ижтимоий-сиёсий муаммолар трагифар билин очилган. Албатта, бу фильмининг муваффақиятида катта адабиётнинг хиссасидан кўз юма олмаймиз. Диалоглар ниҳоятда табиий, жонли, ўзбекона. Истеъзо муҳитини яратишда муҳаррир Эркин Аъзамнинг қўли яққол сезилади. Янги-ча урф билан айтганда, ғоя муаллифи

ва лойиҳа раҳбари – атоқли адабимиз Мурод Муҳаммад Дўст эди.

Бойкенжаев ҳар қанақа ижтимоий буюртмаларни, тепа топшириқларини шараф деб биладиган майда одам образи. “Аълочи ўқувчи” босқичида қолиб кетган, балоғатлик остонасидаги бир ҳақиқ. Бу каби одамларнинг ҳаётий ақидаси: бўл тайёр – доим тайёр. “Катта”нинг ишончини йўқотиб қўймаслик учун ҳар қанақа хорликка, камситилишга тайёр. Одамни шарафсизликка олиб борувчи шахсга сиғиниш иллатини ҳам айнан бойкенжаевлар яратади. Бойкенжаев тимсолида мафкура мажозини ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир тузумнинг бош ғояси бўлади. Совет мафқураси, истиқлол мафқураси ва ҳоказо. Бояқиш мафқуралар Бойкенжаев каби минг кўйга солинади, олқишланади, “ким эдинг, ким бўлдинг” деб улар учун тадбирлар уюштирилади. Фильмдаги ГҲРКОВлар каби ўзи йўқ нарса учун қанча-қанча одамлар сафарбар қилинади, сарсон бўлади, пуллар кўкка совурилади. Лекин алалоқибатда-чи? Дафн этилиши биланқоқ ундан ном-нишон ҳам қолмайди. Қумлар қабрларни – қанча одам меҳнатини кўмиб ташлаганидек, сиёсий ғоялар ҳам ўзидан кейинги янги даврнинг чанг-чунгида йўқолиб кетади. Халқ табиатидан узоқ, ҳаёт ҳақиқатига зид ҳар қандай мафкура ва ғоялар ўлимга, нутилишга маҳкумдир. Яна бир талқин: Бойкенжаевни миллат мажози деб ҳам тушуниш мумкин. Ҳукмфармо, зуғумкор “оға миллат” истагидаги мазлум миллатнинг майдаланиши. Бунда жоҳианинг миқёси янада кенгайиб, чинакам сиёсий тўс олади.

“Ўртоқ Бойкенжаев” фильмида сўнг ўзбек киносида бу даражадаги ўткир мазмунга эга, аччиқ истеъзоға бой ижтимоий-сиёсий руҳдаги картина ишланмади. Чунки икки минг бешинчи йилнинг баҳоридан ички цензура, ёзилмаган, лекин мудом судралиб юрган тақиқлар кучайгандан кучайиб кетди...

Албатта, кинорежиссёр публицист, социолог ёки футуролог эмас. У аввало санъат адами, гўзаллик синчиси. Кинопанора тарғиботи машинасиға айланиши қанчалик хавфли бўлса, режиссёрнинг сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг таҳлилиға берилиб, жамият тафтишчиси ролиға ўтиб кетиши ҳам ундаги эстетик маҳв эради. Назаримда, санъаткор қоп-қора тутунлар орасида кўгирчоғини кўриб қолиб, уни асраб қолишга талпинаётган болакай. Яъники, бу ёнаётган, кули кўкка совуриляётган дунё-

дан шафқат тиланётган буюк тиланчи. Илғаб қолинган оний гўзалликни муҳрлаш ва улаиш истагидан ижод яралади. Ижодкор қай мавзуга қўл урмасин, уни шу дара – “ичидаги Исоси” кўйвормаслиги керак.

Бир ҳақиқатдан кўз юма олмаймиз: адабиёт ва санъат – тубанликка, мунофиқликка, ёлғонга, адолатсизликка, зулмга, чорасиз инсоннинг кўз ёшларига, жаҳолатга қалбнинг мurosасиз муносабати. Қаердаки ёлғон фоқиқлик қанчалик кучли бўлса, юракнинг ҳайқирғи ҳам ўшанча баланд бўлади. Кўз зулматда аяман ўткирлашади. Шунинг учун ҳам рус адабиёти буюк эди. Европа танқидий реализмининг людовикару наполеонларни кўрган, улардан юз ўғирган жамият яратди. Юқорида айтганимдек фашизм кинодаги катта тўлқин неореализмнинг вужудга келишиға сабаб бўлди. Грузин кинорежиссёри Тенгиз Абуладзе “Кино севгисиз дунё учун кўзёш тўкади”, деб айтган эди. Бугун ўша кўзёшнинг юкини Эрон фильмлари да кўрамыз. Тақиқлар ичида эрк топган Эрон киносидаги инсоний драманин янада ичкинлашаётгани беҳиз эмас. Эрон муаллифлик киноси бутун бошли жамиятдаги жараёни битта инсоннинг истиробида чиқара оляпти. Миллионлаб одамларнинг тақдир, орзу-истаклари уч-тўрт арбоб иҳтиёрида бўлган тузум ҳақидаги оғир-оғир саволларини дунёға олиб чиқишди.



“Кино тили”нинг имкониятлари чексизлигини кўрсатиб берган Андрей Тарковский, Сергей Параджанов, Тенгиз Абуладзе, Александр Сокуров ва Андрей Звягинцев ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган феноменлар эмас. Айнан йўлсизликлар янги йўлларни очади. Боши берк кўчалар шахсларни яратади. Хўш, унда нега бизда ланжлик ҳукм суряпти? Шоир тараннинг этганидек, чиндан ҳам ердаги жаннатда яшай-мизми? Балки биз ўзимизни кўп нарсдан, ҳақиқатни ҳатто кўришдан (айтиш демайман) ҳам ихоталаб ташлагандирмиз. Дард миқёси тор бўлгани учун бадий ва экран асарларида юракнинг зарби сустмикан? Ўзимиз танлаган илмилиқлик, “олтин ўрналиқ” деб атаганимиз синхи ҳам, кабобни ҳам кўйдирмаслик истаги ўз-ўзидан матнга-экранга кўчяпти. Афсуски, биз бугун “шахс” деб улғулаётган зийлиларни Абдулла Қодирининг қисмати ва жасоратидан кўра унга ўрнатилган ҳайкал кўпроқ хаяжонлантиради.

Иқбол ҚЎШШАЕВА

O‘zLiDeP Жижзах вилоят кенгаши Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, Пахтакор туманидаги “Семур” элита уруччилик фермер хўжалиги раҳбари, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби **Муҳаммад СУВОНҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдардлик билдиради.

O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеани ошириш бўлими мудирини **Гулбаҳор Тўраевага** онаси **Марзия момонин** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**ЭЪЛОН**  
Ички ишлар вазирлиги академияси томонидан **Қурёзов Анварбек Шавкатбоевичга** 2021 йил 27 декабрда берилган № 10490 рақамли хизмат гувоҳномаини йўқолгани **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ**.

<p>МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p>  <p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Норқобил ЖАЛИЛОВ</b></p> <p><b>Тахрир хайъати:</b> Ақтам ХАЙТОВ Дилшод ШОУМАРОВ Шухрат БАҒОЕВ Мавлуда ХУЖАЕВА</p> <p>Сирожиiddин САЙЙИД Адхам ШОДМОНОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p> <p>Сардор МУСТАҒОЕВ (Бош муҳаррир уринбосари)</p>		<p>Тахрират манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.</p> <p>элeктрон почта: xxi_asr@mail.ru xxi_asr@mail.ru</p> <p>Телeфонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.</p>	<p>“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида қачонда чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1251 Адади: 4839 Электрон обуна – 1355</p> <p>Бахоси келишилган нарҳда. Топширилди – 20:20</p>	<p>Тахриратга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.</p> <p>© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар</p>	<p>ISSN 2181-497X</p>  <p>НАШР КўРСАТКИЧИ: 406 123456</p> <p>Навбатчи муҳаррир: <b>Сардор МУСТАҒОЕВ</b></p>
---	--	---	--	--	--